

ЎЗНОМА
1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Таштас

№ № 47—48 (2311—2312)


1991 йил 30 АПРЕЛЬ

СЕШАНБА

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг 1991 йил 1 Май Чақириқлари

1. Яшасин барча мамлакатлар меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик куни — 1 Май!
2. Ватандошлар! Фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлик йўлида бирлашайлик. Мамлакатимизга—Иттифоқ шартномаси, ҳар бир хонадонга — тинчлик!
3. Коммунистлар! Қайта қуришнинг асосий мақсадларига эришиш — самарали иқтисодий вужудга келтириш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш асосида совет кишиларига муносиб турмушни таъминлаш учун жипслашайлик!
4. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Мамлакатда конституциявий тартибни мустаҳкамлаш учун қатъий курашингиз!
5. Совет Иттифоқи фуқаролари! Кўп миллатли давлатимиз яхлитлигини сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайлик!
6. Советлар мамлакатининг ишчилари! Сизнинг уюшқоқлигингиз, сабр-қаноатингиз, самарали меҳнатингиз — долзарб вазифаларни ҳал этишнинг, мамлакатни тангликдан олиб чиқишнинг асосий кафолатларидир! Халқ хўжалиги вайрон бўлишига йўл қўймаймиз!
7. Қишлоқ меҳнаткашлари! Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш, ҳар бир оиланинг фаровонлиги сизларга боғлиқ! Ер ислоҳотини амалга оширайлик!
8. Фан ва маданият арбоблари! Жамиятни маънавий жиҳатдан қайта тиклаш ва ахлоқий жиҳатдан соғломлаштириш ишида куч-ғайратларни бирлаштирайлик!
9. Совет хотин-қизлари! Умумий хонадонимиздаги тинчлик ва тотувликни, фарзандларимиз фаровонлиги ва бахтини ҳимоя қилайлик!
10. Йигит ва қизлар! Сизлар янгиланган мамлакатимизнинг келажакисиз! Билимларни, касб маҳоратини, сиёсий маданиятни қўл билан эгаллангиз!
11. СССР Қуролли Кучларининг жангчилари! Ҳарбий интизомни, ўртоқлик ва байналмилал қардошликни мустаҳкамлангиз, социалистик Ватанини ҳимоя қилиш борасидаги ўз конституциявий бурчингизни муносиб бажарингиз!
12. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги жасоратига абадий шон-шарафлар бўлсин! Фидокорона ва тинч меҳнати билан Ватанимиз шухратига шухрат қўшган фахрийларга таъзим ва ҳурмат!
13. Хорижий мамлакатлардаги коммунистларга, демократия, тинчлик ва социализм учун курашаётган барча кишиларга қардошлик саломини!
14. Яшасин барча халқларнинг ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги ва тотувлиги!



АЙЁМ КЕЛДИ

Субҳидам садафдир гунча кўзлари,
Сандувоч муҳаббат созини чертар.
Яшил майсаларда гавҳар излари,
Баҳорий чиройни яна ҳам безар.

Шамсу қамар акси кўзларда аён,
Кулгичларга чўкди табассум бу чоқ
Ғаму ғубор, ташвиш қалблардан ниҳон,
Эзгулик имонга очдику қучоқ.

Ҳабиблар кулгуси ўрлар фалакка,
Севоблар кафтида ўсманинг ёши.
Юраклар кудди, илиқ нур сочса,
Бу жаннат маконга ишқининг қуёши.

Не учун бунчалар энтикар диллар,
Кўнгул шодлигига нималар сабаб?

Биламан!
Пойнга сочқилаб гуллар,
Улуғ айём келди майини одимлаб!

Эркин САТТОРОВ.



Байрамга ҳамма ўзига хос тайёргарлик билан келмоқда. Шу куни ички ишлар ходимлари фуқароларнинг хотир-



жам сайл қилишларини таъминлайдилар.
СУРАТЛАРДА: байрамга тайёрланаётган Тошкент

шаҳар ИИВ пост-патрул хизмати милиционерлари.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.

АКС САДО

МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Шу йилнинг 28 март куни «Постда» рўзномасида босилган «ЎзССЖ Президенти ўртоқ И. А. Каримовга ЎзССЖ ИИВ фахрийлари кенгашининг Мурожаатномаси»да кўтарилган фикр бўйича ўз мулоҳазаларини билдирмоқчиман.

Дарҳақиқат кейинги йилларда ҳаёсизлик, шафқатсизлик, зўрлик ва қонхўрликни тарғиб қилувчи видеосалонлар кўпайиб кетди. Визининг ёшлик йилларимизда бир болага етти кўшини ҳам ота, ҳам она эди. Каттага ҳурмат, кичиникини иззат, кексаларга жой бериш, уларнинг оғирини енгил қилиш каби одобнинг пойдевори тарғиб қилинарди. Ҳозир эса нафақат катталарга, ота-онага

ҳам ҳурмат йўқолиб бормоқда. Кўча-кўйда, жамоат транспортда гаплашаётган ўсмирларнинг гаплари нуқул сўзинишдан иборатлиги ёлғон эмас. У кишининг гашига тегиб, газабини кўзгатади. Ҳеч ким уларни тартибга чақирай ҳам демайди.

Куни кеча ССЖИ Олий Кенгаши қабул қилган «Беҳдаё асарларни, зуравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишнинг пайини қирқинишга донр кечистириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори халқимизга ёт бўлган номаъқулчиликларга барҳам беради деб ўйлайман. Қарорда кино, аудиовизуал асарларни очиб намойиш қилиш қовдаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик-

ни белгилаш тавсия қилинган эътиборга моликдир.

ССЖИ Олий судига беҳдаёлини тарғиб қилувчи зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи асарларни тайёрлаш, тарқатиш ва реклама қилиш ҳамда сотиш учун жавобгарликни кўзда тутувчи қонунларни қўллаш тажрибасини ўрганиб, судларга тегишли изоҳномалар бериш таклифи киритилгани қарорнинг аҳамиятини кучайтиради.

Ўйлайманки, ССЖИ Олий Кенгаши қабул қилган бу қарор жумҳуриятимизда ёшлар ва ўсмирлар тарбиясига ижобий таъсир этиб, содир бўлаётган турли жиноятларнинг камайишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Қ. МУҲАММАДЖОНОВ,
милиция капитани.

СССР Олий Кенгашининг қарори

Мамлакатда қонунийликни мустақамлашда прокуратуранинг ролини оширишга оид энг зарур чора-тадбирлар тўғрисида

Қонунийлик, Совет фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари, СССР ва республикаларнинг суверен ҳуқуқлари таъминлашида прокуратуранинг ролини ошириш, жамиятнинг ҳуқуқий негизларини бузишга олиб борадиган жараёнларга фалол қаршилик қилиш, ҳуқуқ-тартиботга бўладиган ҳар қандай ҳамлаларнинг қатъият билан олдини олиш мақсадида СССР Олий Кенгаши қарор қилади:

1. СССР Бош прокурори, республикаларнинг прокурорлари ва уларга бўйсунувчи прокурорлар:

СССР ва республикалар қонунларининг ижросини назорат қилишда СССР халқ депутатлари тўртинчи съездининг янги Иттифоқ шартномаси имзолангунга қадар барча давлат идоралари амалдаги СССР Конституциясига ва Иттифоқ қонунларига риоя этишлари лозимлиги тўғрисидаги қарорига мувофиқ иш тутсинлар; миллатидан, тилидан, динга муносабатидан, эътиқодларидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини таъминлаш энг муҳим вазифа деб ҳисобла-

синлар; ким томонидан бўлмасин, фуқароларни ҳар қандай камситишнинг қатъият билан олдини олсинлар;

халқ депутатлари маҳаллий Советлари, уларнинг ижроия ва бошқарув идоралари, жамоат бирлашмалари ва барча мансабдор шахслар томонидан қонунларга оғинмай риоя этилишини назорат қилишда ўз ҳуқуқларидан тўла-тўқис фойдалансинлар. Шу билан бирга барча поғоналардаги халқ депутатлари Советлари билан фалол ўзаро алоқа ўрнатсинлар, Советларга қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибга, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этишга оид масалалар юзасидан аниқ тақлифлар киритсинлар;

қонунийликка риоя этиш ва жиноятчиликка қарши курашнинг энг муҳим соҳаларида ҳуқуқдан фойдаланиш тажрибасини доимо ўрганиб борсинлар.

2. Республикаларнинг давлат ҳокимияти олий идораларига прокуратура идораларининг фаолиятини тар-

тибга соладиган меъерий ҳужжатларни ишлаб чиқиш вақтида мазкур идоралар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунийликни мустақамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш манфаатлари йўлида бутун мамлакат ҳудудида СССР қонунлари бир хил тарзда ижро этилишини таъминлашлари лозимлигига асосланиб иш тутишлари тавсия қилинсин; республикаларнинг қонунлари СССР халқ депутатлари тўртинчи Съездининг СССР Конституцияси 164, 166, 167 ва 168-моддаларига киритган ўзгаришларга мувофиқ ҳолга келтирилсин.

3. Прокурорга қонунга зид ҳуқуқий ҳужжат ҳусусидаги ўз норозилиги рад қилинган тақдирда судга мурожаат этиш ҳуқуқи берилсин. Шунингдек, прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгилансин.

ССР Иттифоқи прокуратураси СССР Олий Кенгашининг қонунчилиги ва ҳуқуқ-тартибот комитети билан биргаликда «СССР прокура-

тураси тўғрисида»ги СССРнинг амалдаги Қонунга тегишли ўзгаришларни тайёрлаб киритсин, СССР прокуратураси тўғрисида янги Қонун лойиҳасини тайёрлашни жадаллаштирсин.

4. СССР Бош прокурорининг:

иттифоқдош республикаларнинг прокурорларини ва Москва шаҳрининг прокурорини ССР Иттифоқи прокуратураси ҳайъатига киритиш тўғрисидаги;

ССР Иттифоқи прокуратурасида миллатлараро можароларга ва шу асосда фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига нисбатан оператив чора кўрадиган махсус бўлинма тузиш ҳақидаги;

унга ССР Иттифоқи прокуратурасининг тузилишини, ходимларнинг штатдаги сонини ва меҳнат ҳақи фондиди тасдиқланган маблағ доирасида белгилаш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги тақлифларга розилик берилсин.

5. СССР Вазирлар Маҳкамасига СССР Бош прокурорининг прокуратура идораларини, шунингдек, ССР Иттифоқи прокуратураси ҳуқуқ-тартибот ва илмий тадқиқот ва

ўқув илмгоҳларини материал, техника воситалари ва кадрлар билан таъминлашни яхшилаш ҳусусидаги тақлифлари тасдиқланган харажатлар ҳажми доирасида кўриб чиқиш топширилсин.

6. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари, уларнинг ижроия ва бошқарув идоралари ўз ҳудудида жойлашган прокуратура идораларига ижара шарт билан хизмат биноларини бериб қўйсинлар.

Хизмат вазифасини ижро этиш пайтида ҳалок бўлган прокуратура ходимлари, шунингдек, прокуратура ходимларининг оилалари уй-жой тақсимотида, хонадон телефонларини ўрнатишда, мактабгача тарбия муассасаларидан жой олишда, ижтимоий-маиший таъминотнинг бошқа масалаларини ҳал этишда ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунларида кўзда тутилган тартибда имтиёзлардан фойдаланадилар.

СССР Олий Кенгашининг Қарори

А. ЛУКЪЯНОВ.

Москва, Кремль. 1991 йил 17 апрель.

АВВАЛ ТАРТИБ ЎРНАТАЙЛИК

Халқимизда бир мақол бор: «Тома-тома кўл бўлур». Агар уни тескарни маънода ишлатсак-чи? Томчилаб олинган бўлса, кўл тугул денгиз ҳам тезде қурийд. Бизнингча унсини ҳам, бунисини ҳам барча яхши тушунади. Афсуски, тушуниб туриб, унга қарши борувчилар топшилиб туради. Жамоат мулкни талон-тарож этувчиларга қарши ўтказилган рейдлар давомида биз бунинг бир неча бор гувоҳи бўлганмиз.

Ўтган йили Қува тумани ички ишлар бўлими ходимлари майда ташмачилик билан шуғулланаётган 51 кишини қўлга олишганди. Уларнинг материаллари халқ судига чиқарилгач, айбдорларга тегишли жазо берилганди. Бу ҳақда жойларда бир қанча тушунтиришлар олиб борилган. Афсуски, баъзи бир кимсалар ундан тегишли хулоса чиқариб олишмабди.

1991 йилнинг биринчи чорагида жамоат мулкни талон-тарож этаётган шахслардан 25 нафари ашёвий далиллар билан ушланди. Масалан, яқинда «ССЖИ 50 йиллиги» номли Қува мебел комбинати ишчилари Ш. Шарипов ва Р. Ориповларнинг ҳар бири 46 сўму 36 тийинлик комбинат маҳсулотини ўғирлаб кетаётганида милиционерлар томонидан тўхтатилди. Халқ суди иккаласига ҳам 100 сўмдан жарима белгилади.

Шунингдек, Калинин номили жамоа хўжалиги сут-товар фермаси ишчисини Ф. Турсунов 50 килограмм беда пичани, «Правда» жамоа хўжалиги сут-товар фермаси ишчисини В. Мадраҳимов 56 килограмм силосни ўғирлаб кетаётганларида қўлга тушдилар. Натijaда улар туман халқ суди чиқарган ҳужумга кўра 50 сўмдан жарима тў-

ладилар. Юқорида тилга олинган «ССЖИ 50 йиллиги» номли Қува мебел комбинати тайёрлов цехи ишчисини, 1964 йилда туғилган М. Казаков 26 март куни ишдан уйга қайтаётганида 2 дона 170Х90 сантиметрли хон-тахта материални олиб кетмоқчи бўлди. Бироқ, у ниятига етолмади. Йўлда қўриқлаш бўлинимаси ходимлари томонидан ушланди. 49 сўму 83 тийинлик давлат мулкига кўз олайтиргани учун 100 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Бундай ҳодисаларнинг юз беришига ким айбдор? Назоратнинг бўшашиб кетишига йўл қўйган хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари асосий жавобгардир. Чунки улар ўз ишчилари орасида зарур тушунтириш ишларини олиб бормаганлар, барча юмушлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Натijaда турли хил ҳуқуқбузарликлар содир бўлмоқда. Масалан, 1991 йилнинг биринчи чорагида Калинин номили жамоа хўжалиги аъзоларидан ўн бир киши ташмачилик қилаётганларида ушланишди. Энди бунини қандай изоҳласа бўлади? Ана шундай хўжаликлар туманда оз эмас.

Шу ўринда бир гапни айтиб қўймоқчимиз. Кейинги пайтда одамлар, айниқса, раҳбар лавозимида ишлаётганлар ҳам «милиция ёмон ишлапти» деган фикрини қайта-қайта такрорламоқдалар. Улар ўзлари меҳнат қилаётган жойдаги тартибни ўрнига қўйиб, кейин гапирсалар ёмон бўлмасди.

Р. РАХИМОВ,

Қува тумани ИИБ бошланғич комсомол ташкилоти котиби.

Р. НОРҚУЛОВ,

қўриқлаш бўлинимаси хизмат инспектори.



ОЛОВЛИ тиллари дуч келган нарсани ямлаб юбормоқчи бўлган ёнги даҳшатини унинг бошида кечирганлар билишади. Ўт ўчирувчилар хизмат тақозаси ва касб бурчи туфайли у билан бот-бот кураш олиб бориб турадилар. «01» рақамли телефон қўнғироғи жиринглаши билан ўт ўчириш қисмлари жанговар шай ҳолатга келишади. Хабар ўз тасдиғини топса, елдек кулфат содир бўлган томонга ошмиқшади. Оловнинг забтига қараб у билан кураш ҳар хил кечади. Албатта, бунда маҳорат ҳам ҳал қилувчи ўрин тутади.

Ўт ўчирувчилар кундалик машғулотлар туфайли ўз маҳоратларини сайқаллаштириб боришади.

СУРАТЛАРДА: машғулот пайти.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.



БАХТСИЗ ҲОДИСА

ПОЕЗД БИЛАН ТўқНАШДИ

Темир изда ҳаракатланаётган составни тўхтатиш мушкуллиги, шунинг учун темир йўлдаги ўтқалларда ўта хушёр бўлиш лозимлиги ҳақида ҳайдовчилар тайёрлаш курсида алоҳида ўқитирилади. Қўлига машина чамбараги текканидан сўнг қонданнинг бу зарур талабини унутадиган ёки менсимайдиган ҳайдовчилар йўқ эмас.

Жиззах туманидаги ўтқалда Ленин номили давлат хўжалиги экспедитори Р. Қаҳрамонов бошқарган «ВАЗ-2103» белгили автомашина Китоб-Тошкент йўловчи поезди билан тўқнашиб кетди. Оқибати фожеали тугади. Ҳайдовчи ва унинг номалум ҳамроҳи шу ернинг ўзидан оламдан ўтди.

Ғ. ЖУРАЕВ.

БЕПАРВОЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ

Машҳур италян адиби Сенеканинг ёзганлари ҳозирги ҳаётимиз учун ҳам гоят тааллуқлидир: «Биз қачон ва қерда бўлмайлик, ҳар дақиқа зийраклигимизни йўқотмай иш тутганимиздагина, ёшларимизнинг жиноятга қўл урмасликларига сабабчи бўламиз.

Оққўрғондаги 78-маҳсус интернат-мактабининг раҳбарияти ана шу ҳақиқатни буткул унутган экан. Йўқса, 8-синф ўқувчиси Игорь Костин бир неча кунлаб қорасини кўрсатмай кетади-ю, ҳеч ким сезмайди-ми?

Ана шу кунлар ичиде Игорь бир неча марта ўғирлик қилишга улгурди. Оққўрғонлик Сергей Жилков гаражидан 186 сўмлик «Весна-202-1» магнитофонини, 7 қўти «Опал» сигаретасини, умумий баҳоси 60 сўмлик 4 та кассетани, ҳаттоки 30 қўти гугуртини ўртоғи Игорь Храмцов билан ҳамкорликда ўғирлади.

Иккинчи марта бошқа бир фуқаронинг уйига кириб, битта велосипед насосини, уч дона велосипед камерасини, хўжалик тўрвасини, қармоқ ҳамда эски жинси шимни ўмарди. Учинчи марта эса куппакундуз қўни ноҳўя қадам бошига журъат этди. Киров кўчасидаги 50-ўйдан 11 дона хўжалик ва 6 дона «атирсовун», баҳоси 50 сўмлик нутра қалпоқ, 70 сўмлик янги камзулни сездирмай олиб чиқиб кетди.

Орадан уч кун ўтгач, яна шу хонадонга «таширф» бўюрди. Лекин бу сафар уй бекасининг хушёрлиги ишнинг белига тепди.

Халқ суди бу ишни муфассал ўрганиб чиқиб, 16 ёшга ҳам тўлмаган ёш ўғрини 2 йил озодликдан маҳрум этди. Лекин балоғатга етмаганлиги ҳисобга олинми, жазо бир йилга кечиктирилди.

Мактаб-интернат муаллимлар жамоаси бу воқеадан қандай хулоса чиқаргани ҳозирча бизга қоронғу.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

УТГАНЛАРНИ УНУТМАЙМИЗ

ТУФРОҚКА ОЛИБ КЕТМАДИ

Ҳар сафар устозим Минаваржон ака Саминжонови эласам, руҳиятимни аллақандай маъюслик қоплайди, қалбим ҳувиллаб қолгандек бўлади. У кишининг таржимаи ҳоли узундан-узоқ эмас. Ҳарбий хизматдан кейин Самарқанддаги кооператив олий билимгоҳида таҳсил кўрди, кейин туман тайёрлов идорасида ишлади. 1970 йилда Ленинград тумани комсомол кўмитаси йўлланмаси билан милицияга ишга келди. Аввал БХСС оператив вакили, кейин, аниқроғи 1974 йилдан бошлаб Бувайда ва Ленинград туманлари ИИБ бошлиғининг ўринбосари бўлиб хизмат қилди. 1981 йилда эса Бувайда тумани ИИБ бошлиғи этиб тайинланди. У ўзининг касб маҳоратини ошириш мақсадида 1981-1986 йилларда Тошкент олий милиция мактабини тугатди. Кейин эса хизматни Бағдод тумани ИИБ бошлиғи сифатида давом эттирди.

— Минаваржон акага ўх-

шаш раҳбар билан бирга иш-лашнинг ўзиёқ бахт, — дейди шу туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Толибжон Ҳамроалиев, — у киши ўта талабчан, қаттиққўл, айни пайтда меҳрибон бир зот эди.

Бу гап фақат милиция майори Т. Ҳамроалиевнинг эмас, балки бутун ИИБ ходимларининг фикри, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, машҳур Фарғона воқеалари пайтида улар Минаваржон аканинг энг аввало ажойиб ва садоқатли дўст, қолаверса мард, тадбиркор раҳбар эканлигини яна бир бор синовдан ўтказдилар.

Лекин... 1989 йил 16 октябрь кунини Минаваржон аканинг эзгуликка ошуфта юраги уришдан тўхтади. Бу хабар яшин тезлигида чор-атрофга тарқалди, дўстлари, шогирдлари қалбини чақмоқ каби тилиб кетди...

Бир пайтлар ИИБ бошлиғининг хонасида у киши ўтирарди. Бир қарашда ўта та-

жанг бўлиб кўринсада, аслида ниҳоятда дилкаш ва дилбар инсон эди. Агар тортинмасдан у кишидан билмаганларини сўрашса, қуюқ қошлари хиёл кўтарилиб, истарали юзларида, уйчан боқувчи кўзларида ёқимли табассум пайдо бўларди. Ҳар бир нарсани икир-чикиригача эринмай тушунтирар, кейин «тушундингизми?» деб сўрарди. Ҳа, Минаваржон ака ҳар бир сўзини зийрак ақл тарозисига қўйиб кўриб, кейин ишларарди.

Тўғри, хизматчилик. Баъзан ходимларни бирор айби учун койган пайтлари ҳам бўлган. Лекин бу танбеҳлар ҳеч кимнинг юрагини яраламасди. Шу боис танбеҳ эшитган ходимлар ҳам у кишини соғиниб эсга олишади.

У доимо бир гапни такрорлашни хуш кўрарди.

— Шогирдсиз одамнинг мевасиз дарахтдан фарқи йўқ.



Кейин ҳазрати Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида битилган мана бу сатрларни ёддан ўқирди:

Хунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб туфроққаму кетгумдир охир!..

Ҳа, шундай ажойиб инсон ҳозир орамызда йўқ. Лекин унинг ишларини шогирдлари давом эттираяпти. Шу нарсани кўнгилга таскин беради.

Акрамжон УМАРОВ,
милиция майори.

Терговчи — мисоли жарроҳ. Оқ халатли шифокор инсонни дарддан фориг этса, терговчи жамият ҳуснидаги доғни ювишга ҳаракат қилади. Операция столига энгашган жарроҳнинг хато қилишга ҳаққи йўқ, терговчи ҳам шундай. Чунки у заррача адашса, адолат озор чекади, беғуноҳ киши жазога тортилади. Шунинг учун терговчилар етти ўлчаб эмас, етмиш ўлчаб кес, дейишади.

Тор ҳужралардаги шароит оғирлигига қарамасдан, яшириб нима қиламиз, баъзан дўлдай ёғилаётган дўқ-пўписаларни парвосига келтирмасдан, қўпол амрларга бўй эгмасдан ўз ишини давом эттираётган терговчининг дардқоши, суянчиги ва оқилу доно суҳбатдоши ҳаммаси бўлади.

СУРАТДА: Собир Раҳимов тумани ИИБ терговчиси Бахтиёр Бойметов туман ИИБ бошлиғининг тергов бўйича ўринбосари Ғозибой Раҳимғозиевдан юз берган жиноятни тергов қилиш юзасидан маслаҳат сўрамоқда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

АФҒОНИСТОН ЖУМҲУРИЯТИДА БАЙНАЛМИЛАЛ БУРЧНИ БАЖАРГАН ШАХСЛАРНИ, УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ, СССРДАН ТАШҚАРИДАГИ МАҲАЛЛИЙ МОЖАРОЛАРНИНГ БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ЖИҲАТДАН ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ТУРМУШИ ВА МАИШИЙ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА

Афғонистон жумҳуриятида байналмилал бурчини бажарган шахслар, уларнинг оила аъзолари, СССРдан ташқаридаги маҳаллий можазоларнинг бошқа қатнашчилари учун ҳаётини муҳим бўлган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан давлат идоралари кўраётган чора-тадбирлар мутлақо етарли эмас. Уларнинг уй-жойга, малакали тиббий ёрдамга, сифатли протезлашга эҳтиёжлари тўла-тўқис таъминланмапти. Бу шахслар ишга жойлашишда, касб ўрганишда, малака оширишда жиддий қийинчилик сезмоқдалар.

СССР халқ депутатлари иккинчи сьезди қароридан кўзда тутилган Афғонистондаги совет қўшинлари қисмлари таркибига кирган собиқ ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларнинг, шунингдек ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг ҳаёти ва турмушини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилган давлат дастурини ишлаб чиқиш асоссиз равишда чўзилиб кетди.

Бу масалаларни сира кечиктирмай ҳал қилиш байналмилал бурчини бажарган шахсларни мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар ишига фаол жалб этишга ёрдам беради.

Ўқорида баён этилганларни ҳисобга олиб қарор қиламан:

1. Қайд этилсинки, СССР ҳукумати афғон воқеалари қатнашчиларининг турмуши ва маиший шароитини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилган давлат дастурини ишлаб чиқишни асоссиз равишда чўзиб юборди. СССР Вазирлар Маҳкамаси бу дастурни тийёрлашни 1991 йил 1 июнгача ниҳоясига етказсин.

2. СССР Вазирлар Маҳкамаси СССР Олий Кенгашининг байналмилалчи жангчилар ишлари комитети иштирокида давлат дастури тасдиқлангунга қадар қуйидаги масалаларни биринчи

галдаги тадбирлар сифатида кўриб чиқсин:

Афғонистон жумҳуриятидаги қўшинлар таркибига кирган шахсларнинг, шунингдек ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ижтимоий-сиёсий муаммолари, уларни тиббий ва руҳий жиҳатдан соғломлаштириш билан шуғулланувчи илмий-методик марказни ташкил этиш;

байналмилал бурчини адо этган кишиларга касб-кор ўргатиш, қайта таълим бериш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек уларга бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишбилармонлик асосларини ўргатиш, шу жумладан мамлакатдаги ва чет эллардаги йирик илмий марказларда тажриба ўргатиш чора-тадбирлари системасини ишлаб чиқиш;

сифатли протез-ортопедия ёрдами бериш, шу тариқа 1993 йилгача собиқ байналмилалчи жангчилар орасидаги барча ногиронларни ҳаракат воситалари билан таъминлаш, шу мақсадлар учун зарур валюта маблағлари ажратилиши кўзда тутиш;

СССРдан ташқарида байналмилал бурчини адо этган кишилар турмуши ва маиший шароитини яхшилаш учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ажратадиган маблағларни бирлаштириш ҳисобига уларга ёрдам жамғармасини вужудга келтириш;

давлат идораларининг кўмаги билан ёки афғон воқеалари қатнашчилари уюшмалари ва уларнинг бошқа кўнгилли бирлашмалари томонидан ташкил этиладиган корхоналарнинг самарали хўжалик фаолияти учун шароит яратиб бериш, уларга биринчи навбатда моддий ресурслар ажратиш, давлат буюртмалари, узоқ муддатли қарз билан таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятда кўмаклашиш;

мазкур шахсларнинг турмуши ва маиший шароитини яхшилаш соҳасида давлат ва жамоат ташкилотларининг куч-гайратлари мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун, давлат-жамоат ёрдам дастурларини амалга ошириш воситасини вужуд

га келтириш, уларни фойдали ижтимоий-сиёсий ва хўжалик фаолиятига жалб қилиш учун СССР чегарасидан ташқарида байналмилал бурчини адо этган шахслар ишлари билан шуғулланувчи давлат идорасини тузиш.

3. СССР Хавфсизлик Кенгаши Афғонистон жумҳуриятида асирга тушиб қолган ёки бедарак йўқолган совет фуқароларини қидириб топиш, озод қилиш ва Ватанга қайтариш соҳасида манфаатдор вазирликлар, бошқа идоралар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш чора-тадбирларини кўрсин.

4. Байналмилал бурчини адо этиш чоғида яраланиш, шикастланиш, майиб бўлиш ёки касалга чалиниш оқибатида биринчи гуруҳ ногиронлари бўлиб қолган собиқ ҳарбий хизматчиларга тиббий ёрдам ва парваришни яхшилаш мақсадида зарур иш стажы бўлган тақдирда ва ёшидан қатъи назар, отаси ёки онасига, рафиқасига ёки ногиронга донмий қараб турадиган бошқа шахсга, пенсия олиш ҳуқуқини бериш зарур, деб топилсин.

СССР Вазирлар Маҳкамаси СССР Олий Кенгашига тақдим этиш учун пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунларга тегишли ўзгаришлар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

5. Жумҳуриятларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, вазирликлар ва бошқа давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва ҳайрия жамғармалари Афғонистон жумҳуриятида байналмилал бурчини адо этган совет фуқароларининг, улар оила аъзоларининг, СССР чегарасидан ташқаридаги маҳаллий можазоларда қатнашган бошқа кишиларнинг турмуши ва маиший шароитини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 25 апрель.



САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ: мени давлат автомобиль назориятида ишлаш учун мутахассис ходимлар тайёрлайдиган даргоҳлар қаерда эканлиги ва қабул шарҳлари қизиқтиради. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Хурсандбек АБДУВАЛИЕВ,
Андижон вилояти.

ЖАВОБ: давлат автомобиль назориятида ишлаш учун ўрта маълумотли, Совет Армияси сафида ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаган, ҳайдовчилик гувоҳнома-си бўлган ҳамда соғлиги жиҳатдан яроқли, деб топилган, ёши 30 дан ошмаган фуқаролар қабул қилинади.

Офицерлик лавозимида ишлашни истовчилар эса Краснояр шаҳридаги (Ярославск кўчаси, 2) махсус ўрта милиция мактабида ўқишлари мумкин (албатта, ички ишлар идораларининг йўлланмаси билан).

Бу мактабга кирувчилар тарих (оғзаки), рус тили ва адабиёти (иншо) фанларидан кириш имтиҳонлари топширадилар. Ўрта мактабни миллий тилда тугатганлар ҳам баён ёки диктант ёзишлари мумкин.

Бундан ташқари Тошкент автомобиль ва йўллар олий билимгоҳини йўл ҳаракатини ташкил этиш мутахассислиги бўйича тугатганлар ҳам ДАНда ишлашлари мумкин.
Абдумажид ЖАЛИЛОВ,
ЎзССЖ ИНВ кадрлар бошқармаси инспектори, ички хизмат капитани.

САВОЛ: қонунбузарликларни учун ишдан бўшатилган ички ишлар ходимларининг қай шаронгда қайта лавози-

мига тиклаётганликларни қўлчилиқни қизиқтирмоқда. Рўзнома орқали шу масалага батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

Н. САИФИДИНОВ,
Зарафшон шаҳри.

ЖАВОБ: қуйидаги ҳолларда собиқ ички ишлар ходимлари ишга қайта тикланадилар ва аввал эгаллаб турган лавозимларига ёхуд ўша лавозимга тенг бўлган мансабга тайинланадилар:

— ноқонуний равишда ишдан бўшатилганлар (агарда текшириш натижасида бу ўз исботини топса);

— ўзига нисбатан қўзғатилган жиноий иш бекор қилинганлар;

— халқ суди томонидан оқланганлар;

— қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилинган ёки жиноий жавобгарликка тортилганлар (еуд томонидан оқлангандан сўнг).

Бундан ташқари ўз ихтиёри билан (аёллар), штат қисқариши муносабати билан, фирқа ва давлат органларига ишга ўтиши сабабли ҳамда шартнома муддатни тугатгани туфайли бўшатирилган кишилар ҳам ишга қайта қабул қилинишлари мумкин.

Бундай ҳолларда уларнинг хулқи, турмуш тарзи ва бошқа ҳолатлари алоҳида ўрганиб чиқилади.

Салбий хулқи ва хизматдаги жиддий қонунбузарликларни учун ишдан бўшатирилганлар қайта қабул қилинмайди.
Виталий ИВАНОВ,
ЎзССЖ ИНВ кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги.

ШИРКАТДАГИ ХАЗИНА

ЁКИ НОЁБ МОЛЛАР КЕРАКСИЗМИ?

Кузатувлар аввалги оператив хабарларнинг тўғрилигини тасдиқлади: чиндан ҳам «Қурувчи» ширкатда ўта ноёб ҳисобланадиган саноат, уй-рўзгор, озиқ-овқат моллари ҳамда қурилиш материаллари «енг ичида» тўпланаётган экан. 3 апрель кун «Прогресс» давлат хўжалигидаги Оқар қишлоғига етиб келган участка вакили Абдуҳалил Каримов, БХСС катта опера- вакили ўрол Уматқуловлар бунинг исботини ўз кўзлари билан кўришди. Ширкат раиси — 1957 йилда туғилган, муқаддам судланган Бердиёр Давиرونинг ҳовлисида лиқ тўлдириб юк ортилган, ғайриоддий сафарга тайёр қилиб қўйилган бешта юк машинаси турарди.

Улар ўзлари келган енгил автомашинани дарвозага кўндаланг қўйишди. Кейин ичкарига киришди.

— Жиноятчиларни қўлга туширдим, деб хомтаъма бўлманглар, — деди ширкат раиси пинагини ҳам бузмай. — Очиғини айтиб қўя қолай. Бу ишларнинг ортида «мана мен» деганлар турибди. Яхшиси дарвозадан машинани олиб, бизга оқ йўл тиланглар, йўқса!

Начора, чумчуқдан қўрққан, тариқ эколмайди. Улар дастлабки ашъвий далил сифатида машиналарни ўргана бошлашди. Чиндан ҳам улар қишлоқда яшовчи оддий фуқаронинг тушига ҳам кирмайдиган моллар билан лиқ тўла эди. «КамАЗ-5320» белгили 53-97 СИЛ рақамли (ҳайдовчиси Радик Давлетов) машина Сирдарё вилоятининг Ильич туманидаги пахта тозалаш заводига, қолган, «КамАЗ-5320» белгили 41-55 СИО рақамли (ҳайдовчиси ширкат раисининг акаси Келдибек Давилов), «ЗИЛ-133-ГЯ» белгили 31-17 СИЛ рақамли (ҳайдовчиси ўрозали Қийлибев) ва «КамАЗ-55102» белгили 85-92 СИО рақамли (ҳайдовчиси Сергей Губин) машиналар шу тумандаги таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонасига қарашли экан.

Бешинчи машинада эса ҳатто давлат рақами ҳам йўқ эди.

Қизиғи шундаки, ана шу машиналарнинг ҳайдовчилари кўринмас, афтидан Зомин тумани ИИБ вакилларининг фавқулоддаги ташрифи уларни чўчитиб юборган эди.

Шу кунги тушки соат иккиларда оператив гуруҳ етиб келди. Лекин ширкат раиси раҳбарлигидаги ҳайдовчилар аввалига қаршилик кўрсатишди, кейин машиналарни ташлаб, кетиб юборишди. Маълум бўлишича, улар ётиб қолгунча, отиб қол, деган нақлга амал қилишган, иккита машинани бузиб ташлашган экан. Шунга қарамадан дастлаб иккита, кечаси яна иккита, эртаси кун битта машинадаги юклар кучайтирилган соқчилар назоратида Жиззах шаҳрига — вилоят матлубот жамиятлари уюшмасининг савдо-харид базасига олиб борилди. Ўша ерда Зомин посёлка Кенгаши депутатлари иштирокида четга олиб кетишга мўлжалланган моллар рўйхатдан ўтказилди. Фақат чет элларда тайёрланган 1728 дона шарф, 31 дона сочиқ, Хитой ва Подольск ҳунармандлари ҳамкорлигида яратган 278 та тикув машинаси, биттаси 15 минг

сўм турадиган шнурсиз радиотелефонлар, нархи 95 сўмлик 440 дона манзарали гулқоғозлар, Хитойда тайёрланган беҳисоб термослар, пойафзаллар ва бошқалар хатта туширилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, уларнинг умумий миқдори 2 миллион сўмни ташкил этди.

Хўш, капитал қурилиш, таъмирлаш ва ёғочни нақд пулга қайта ишлаш вазифасини бажарувчи «Қурувчи» ширкатига шунча мол қаердан ва нима мақсадда келтирилган?

— Кемерово вилоятининг Киселевск шаҳрида «Астра» номли ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси бор. — дейди суҳбатдошимиз ў. Уматқулов. — Ўша фирма Янгиер шаҳридаги аралаш моллар савдоси идораси билан аҳоли эҳтиёжидан ортиқча молларни бир-бирларига жўнатиш борасида шартнома тузган. Бу шартнома «ортиқча моллар» ниқоби остида камёб моллар билан савдо қилишга шароит яратди.

Аралаш моллар савдоси идорасига қарашли хўжалик моллари дўконлари бирлашмаси директори Абдунозир Кенжаев давр келганда яшаб қол, деган гапга амал қилди. Беш хил молни — термос, тикув машинаси, шнурсиз радиотелефон, гулқоғозларни «қўли очиқ» шартномадошларига пуллаб юборди. Унинг айтишича, бу иш «Астра» фирмаси вакиллари Борис Трунов, Василий Болдеревлар иштирокида амалга оширилди. Қолган моллар ҳам шу тариқа тўпланган бўлса керак, деган тахминдамиз. Бу тахминларнинг нечоғли тўғрилигини тергов натижалари кўрсатади. «Ишбилармон» кемероволиклар Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига қарашли хўжалик ҳисобидаги «Ресурс» бошқармасидан юқорида айтилган «КамАЗ» белгили машинани 73 минг 500 сўмга сотиб олишди.

Энди шу ерда «Қурувчи» ширкати раисининг бу ишларга қандай алоқаси бор, деган савол туғилади.

— Ширкат раиси Бердиёр Давилов юқорида айтганимдек, муқаддам судланган шахс, — дейди ў. Уматқулов. — У белгиланган қамоқ жазосини ана шу олис ўлкада ўтаган. Табиийки, таниш-билишлар орттирган. Унинг «Астра» фирмаси раҳбари билан яқинлиги ҳам ўша тиканли сим ортида ўтган йиллар маҳсули.



Шундай қилиб, олис ўлкадаги ҳомийси 150 кубометр ёғоч ваъда қилган. Қурилиш «нони» ҳисобланмиш ёғочни ва ундан тушадиган фойдани чамалаб кўрган Давилов «Астра» фирмаси раҳбари шартларини адо этишга рози бўлган. Яъни ҳар қандай кишининг ақлу ҳушини ўғирлаб, кўзини ўйнатадиган моллару юк машинасини Кемеровога элиб беришга рози бўлган.

Кундай равшан, бу ишни бир киши уудалашини асло мумкин эмас. Лекин пул бўлса, чангалда шўрва. Ильич пахта тозалаш заводи ва ремонт ишлаб чиқариш корхонаси шофёрлари Радик Давлетов, Келдибек Давилов, ўрозали Қийлибев, Сергей Губинлар «ишончли» ва «садоқатли» шерик

(Давоми 5-бетда)



**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ЗОМИН ТУМАНИ ИИБ
ХОДИМЛАРИ ЖУМ-
ХУРИЯТИМИЗ ХУДУ-
ДИДАН ЭСКИ НАРХДА
2 МИЛЛИОН СЎМЛИК
НОЁБ МОЛЛАРНИ СИ-
БИРГА ОЛИБ ЧИҚИБ
КЕТИЛИШИГА ЙЎЛ
ҚУЙМАДИЛАР.**



ШИРКАТДАГИ ХАЗИНА

ЁКИ НОЁБ МОЛЛАР КЕРАКСИЗМИ?

(Давоми. Боши 4-бетда)

бўлишди. Ҳатто улар нақд пулга эмас, насияга ҳам кўнишди. Кемероволикларга қарашли нарсалар олиб бориб берилгач, уларнинг ҳар бирига 3 минг сўмлик ёғоч материаллари ваъда қилинганди.

Яна бир нарсани милиция ходимларини лол қолдирди. Йўл олдида турган шофёрларнинг бирортасида ҳам қоидага мувофиқ тўлдирилган йўл варақаси, хизмат сафари гувоҳномаси йўқ эди. Аммо уларнинг чўнтақларидан муҳрланган, лекин ҳеч нарсани ёзилмаган топ-тоза йўл варақалари чиқди. Қарангки, улар ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб олишган, истаган манзилга ҳужжат тайёрлаб олиш имкониятига муяссар эдилар.

Ўз қўли остидаги оддий ҳайдовчиларга шунчалик катта ишонч билдирган пахта тозалаш заводи ва таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарларининг бу хотамтойлиги замирида нима ётибди? Биз бунга ҳозирча жавоб беришга ожизмиз. Лекин таъмирлаш-ишлаб чиқариш бирлашма-



си раҳбари Владимир Петрович Губиннинг сир очилгандан кейинги ҳатти-ҳаракати ҳурматли ўқувчиларнинг ҳиссиётларига тасдиқини

толмаган фаразларида жон борлигидан дарак бераёлти, бизнингча. Ваҳоланки, шофёрлардан бири Сергей Губин унинг ўғли бўлиб чиқди. Пайтавасига қурт тушган ота ёки директорнинг шу йил 4 апрелда чиқарган буйруғини айнан келтирамиз.

«ПРИКАЗ

№ 12 общ.
По Ильичевскому РПП
Пахтабад

от 4. 04. 1991 г.

В связи задержаниями автомашин Зааминским РОВД КамАЗ № 85-92 СИО, ЗИЛ-133 ГЯ 31-17 СИЛ, КамАЗ 41-55 СИО за нарушение перевозки грузов водителями тт. Аскарлов А., Кийлибаев

У. Давиров К. скрылись. ПРИКАЗЫВАЮ:

1. Заведующему гаражом т. Алибекову Э. получить и перегнать автомобили из г. Джизак в автогараж РПП.

2. На перегон выделить водителей Абсатова З., Губина С., Абдухамидова У.

3. Меры в отношении водителей будут приняты по их возвращению.
Директор РПП

В. ГУБИН.

— Директорнинг устаси фаранглигини қаранг. — дейди яна суҳбатдошимиз ёқасини ушлаб. — Нозик «сафар»га отланганлар рўйхатидан ўғли Сергей Губинни тушириб, А. Аскарлов деган фамилияни тиркаб

қўйибди. Сергейнинг фамилиясини эса машиналарни Жиззахдан қайтариб олиб келувчилар қаторига кириштирибди. «Ота»лик меҳрининг кучлилигини қаранг, у ҳатто директор субутидан ҳам «устун» экан.

Майли, бу иш энг аввало унинг ўзига қолаверса, ремонт ишлаб чиқариш корхонаси устидан раҳбарлик қиладиган мутасаддилар ҳукмига ҳавола. Зеро, насални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деган донолар гапи бор.

Шундай қилиб, ширкат раиси ва унинг гунашталари дўппи тор келгандан кейин мурасасозлик йўлига ўтишди. Тўғрироғи, ИИБ ходимларини сотиб олмоқчи бўлишди. Дастлаб 17 минг сўм, кейин 25 минг сўм, кўнаверишмагач, 150 минг сўм, ниҳоят 200 минг сўм, ҳатто умумий моллар қийматининг 40 фоизини олиб, ёпиғлик қозон қопқоғини очмасликни таклиф этишди. Қатъиян рад этилгач, жаҳл аралаш қўл силташди.




— Майли, бу ёғига ўзларингдан кўринглар. Сизлар билан ҳўжайинларнинг ўзлари гаплашишди.

«Ҳўжайинлар» ким экан, бу ҳозирча бизга қоронғу, ажаб эмас, муҳтарам ўқувчиларимизни келажақда рўзномамиз орқали улар билан таништиришга мушарраф бўлсак.

— Ҳали мақтанишга эрта, олдимизда таҳликали, эҳтимол ўта хавфли кунлар бор, — дейди Зомин тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Мамадиёр Бойзоқов. — Лекин сафдошларимизга ишонаман. Бу сирли тугунинг энг сўнгги чигалини егунча, уларда орқага қайтиш йўқ. Лекин инobatга олинадимини йўқми, билмадим, битта таклифим бор эди. Биз қўлга туширган моллар очиқ савдога чиқарилади. Тушаётган фойданинг бир қисмини ички ишлар бўлимига ажратилса, зўр иш бўларди. Нега деганда жуда эски ва ғариб, мослаштирилган бинода ишлаш оғир экан.

Ғайрат ЖУРА,
Раҳмон АЛИ.

СУРАТЛАРДА: ҳамюртаримиз кўмагида ўзга ўлкаларга жўнатилмоқчи бўлган «ортиқча моллар».



ҲАЙДОВЧИ ВА УНИНГ «ХЎЖАЙИНИ»

Василий Сталин ва унинг хешу-акробалари тўғрисида «дохий»нинг ўғлини хизмат юзасидан билган ёки у қаҳр-ғазабга дучор бўлган йилларда мулоқотда бўлган кишиларнинг хотиралари бир неча бор чоп этилган эди.

Бироқ унинг атрофида на унинг ўзи, на унинг солномачилари пайқамган кишилар ҳам бўлганди. Улар хизматкор-чўрилардир. Ниҳоят, ушбу «соқов» гувоҳлар ҳам тилга киришди... Эътиборингизга муҳбиримиз А. Биневнинг Василий Сталиннинг шахсий ҳайдовчиси — А. Брот билан қилган суҳбатини ҳавола этамиз.

— Армияда шундай гап бор: «Ошхонага яқин бўлган, бошляқлардан лари юрган маъқул». Сизнинг «ошхонангиз ҳам, бошляқингиз ҳам» ёнгинангизда эди...

— 1944 йилгача мен броне-танк қўшинлари қўмондонни П. Рибалконинг ҳайдовчиси эдим. Яраланганимдан кейин халқ комиссарининг тайёрлаш бўйича ўринбосарини олиб юрдим. 1947 йилда машхур футболчи Всеволод Бобров билан танишиб қолдим ва армиячилар футбол жамоасини олиб юра бошладим. Ушанда 30 ёшларда бўлиб, ҳарбий унвонга кўра старшина эдим.

Кунлардан бир кун шаҳардан ташқаридаги ўйингоҳда машгулот ўтказилаётган пайтда Бобров менга бир гуруҳ генераллар ўтирган минбарни кўрсатди. Улардан энг ёши жамоа «хўжайини» эканлигини айтиб, у Москва ҳарбий округи ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондонни генерал-майор Василий Иосифович Сталин, деб менга тушунча берди. Сталин номининг эслатилишиёқ ўшанда кишиларни ҳис-ҳаяжонга солиб, тўлқинлантириб юборарди.

Бобров менга «Узингни оддий тут. Унга «армияда суняги қотган» ҳайдовчи керак» деб айтди. У бун «Берия командаси» ўз ҳайдовчилари билан унга яшагача бермаётганидан, деб тушунтирди. Наинки уни ҳаддан ташқари зийраклик билан кўриқлашар экан.

Орадан бир неча кун ўтгач, Бобров мени Осипенко кўчасида жойлашган штабга олиб келди. Мени Василий Сталин қабул қилди. У мендан «чет эл» машиналарини билиш-билмаслигимни суриштирди. Бир қанчасини биламан, деб жавоб қилдим. Шунда у ўз адъютанти Виктор Полянскиини чақириб, мени ҳайдовчи қилиб расмийлаштиришни, аммо алоҳида махсус авиация полки штурмани таъминотига тиркаб қўйишни буюрди.

— Мамлакатнинг энг асосий «ўриниди»га ўтиргангиз ҳусусида кейинроқ гаплашамиз. Келинг, аввал «футбол» мавзусини якунлаб олайлик.

— Василий (қулай бўлсин учун мен уни шундай атайман) армия футболгага ҳомийлик қиларди. Нималар бўлмаганди дейсиз. Футболчиларни қамоқдан қандай қилиб «чиқариб олганларимиз»ни ҳали-ҳали эсламан. Улар хўжайинимизнинг махсус кўрсатмаси билан қўрилган Хорошевский шохўли ёнасидаги коттежда истиқомат қилишарди. У ердан улар ўйинга ва машгулотларга, баъзан эса лагерга жўнашар эди.

Федоровми ёки Федотовми — ҳозир фамилиясини эслолмайман — бир футболчи бўларди. Айтишларича, у жуда машхур эди. Бироқ нимадир қилиб уч йилга қамалганди. У бор-йўғи тўрт ой ўтирди. Василий мени чақириб, шундай деди: «Ҳозир битта операцияга борасан: бир одамни олиб, уни тўппа-тўғри бу ёққа, Гоголь хиёбонига келтирасан». Бу кичик Сталин яшайдиган қасрга дегани эди. Билсамки, бунинг учун Таганск қамоқхонасига бориш керак экан. Полянский менга қўролланган аскарлардан берди ва биз бу футболчини қамоқдан олиб чиқдик. Аскарлар бериячи соқчилар футболчинини тортиб олмасликларини

учун зарур эди. Гап шундаки, Берия «Динамо»га ҳомийлик қилар ва Василий билан улар ўртасида энг яхши футболчи учун азаллий баҳс борарди. Берия уларни қамар, Василий эса уларни чиқариб оларди.

Бир кун Гоголь хиёбонидаги қасрда аллақандай бир одам яшай бошлади. Таниқли изқувар Лев Шейнидан бу киши машхур футболчи Старостин эканлигини тасо-дифан эшитиб қолдим. У нима сабаб биландир ўтириб чиққан, энди Берия тўғрисида «Динамо» таркибиде ўйнашни истамагани учун Москвага прописка қилмаслик ҳусусида кўрсатма берган эди. Ушанда мен қаср дарвозаси олдида икки йўғоччи айланиб қолганини пайқаб қолдим. Улар нимадир қилиб, бу футболчинини ўғирлаб кетишди ва уни Орёл томонларга бадарга этишди. Василий ўша ёққа мени, битта машинада аскарларни («бериячилар» ҳужумидан эҳтиёт шарт) ҳамда спорт тайёрасини жўнатди. Старостин яна бизники бўлди.

— Анчайин, «қалтис» топшириқларни бажарганлигингиз кўришиб турибди, Василий Сталиннинг ўзини олиб юрганмисиз? Расман унга бириктирилган эдингиз-ку?

— Москва ҳарбий округи штабининг каттагина гаражи бор эди. Василийнинг машиналарига жавобгар бўлган механик В. Кухоний чекистларнинг «паккард»ини ва «менинг машиналарим» — «мерседес», «хорьх» ва «доджтўртдан» учуни (бу ярим юк машинасига ҳайдовчилар шундай ном қўйишганди) кўрсатди. Ишга қабул қилинганимдан кейин кўп ўтмай «паккард»га бириктирилган махсус ҳайдовчи мени «машиналаримдан бири»га ўтказиб, Василий Сталиннинг «трасса»сига олиб чиқди. Мен эҳтиёткорлик билан, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиб, орқама-орқа бордим. Бироқ Москва давлат хавфсизлик бошқармаси вакили менга «улар бундай юрмасликларини» айтди. Уларга йўл ҳаракати қондалари тааллуқли эмаслигини тушундим. Хўжайин эса бундай юришни ёқтирмайди.

Дарвоқе, мен уни ахён-ахёнда олиб юрардим. У ичиқ олган пайтларида (тез-тез ичиб турарди) ёнимда ўтириб, оёғи билан педальни босиб, газ берарди. Машинанинг гоҳ пиёдалар йўлкасига чиқиб кетишини, гоҳ қарама-қарши йўлга ўтиб олишини талаб қиларди. Ниҳоят у мен ўйлаган ҳайдовчи эмаслигимни англаб этди. Аммо унинг уйи ва дала ҳовлиси учун барибир ҳайдовчи зарур эди. Шу боис мени ишдан бўшатишмади.

— Кичик Сталин қаерда яшарди?

— Дастлаб Москва дарёси қирғоғидаги ҳукумат уйида («кулранг уй»да) яшарди, сўнгра Гоголь хиёбонидаги 7-уйга кўчиб ўтди. Унча бу ерда Сталиннинг шахсий соқчилари бошлиғи генерал Власик турарди. У чамаси айб иш қилиб қўйгач, бу қасрдан қувилган эди. Василий ана шу уйга жойлашди. Бу ерда ҳайдовчи, адъютант учун икки хона, бундан ташқари қабул заллари, билъярдхона бор эди. Улар айна вақтда кинозал, гараж, ётоқхона, ошхона ва меҳмонхона вазифаларини ҳам ўтарди. Тенада ўтирганларнинг тур-

муши ўзига хос эди. Уларни бутунлай ўзгача дунё, ўзгача муҳит қуршаб турарди. Бу кишилар билан яқиндан танишганимга қадар «Сталин» номи мен учун илоҳий эди. Бу дунёга назарим тушгач билдимки, биз улар учун кўғирчоқ эканмиз, ҳеч ким эмас эканмиз. Бизларни қамаш, йўл чеккасига суриб ташлаш мумкин эди.

Бир кун шундай воқеа бўлди. Василийнинг Гоголь хиёбонидаги қасрида унинг ошпази бўлгучи эди. Лекин бу ерга меҳмонлар келишганда, у «покарски» кабини учун каболларни алоҳида рецепт билан, махсус кўмирда икки гуржи тайёрларди. Улардан бирининг исми Гиви эди. Меҳмонлар ташриф этишгач, мени кабол учун юборишди. Мен уни олиб келиб, ҳайдовчихонага кириб кетдим. Меҳмонларни уй-уйига тарқатиш вақтини чамалаб, кутиб ўтирардим. Тўсатдан навбатчи адъютант кириб келиб, хўжайин чақирётганини айтди. Жаҳли чиққан кўринадим. Василий мени ўзининг хонасига судраб кирди. У маст эди, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, хона бўйлаб у ёқдан бу ёққа юрар, меҳмонлар — кекса академик ва профессорлар гўштини чайнай олмайётганлари учун менга дашном берарди... Бир пайт столдан сиёҳдоннинг оғир темир қисмларидан бирини олиб, бошимга қараб отди. Ҳозиргача ундан қолган чандиқ кетмаган. Қон дарё бўлиб оқди. Эртаси кун эрталаб Василий яна мени чақиртирди. Йўл-йўлакай борарканман, ана энди тавбамага таянтирдим, деб ўйлайман денг. У эса зийрак эмаслигим учун таъна қилди, холос. Ва менинг олдимда гуноҳкор эканлигини айтиб, «уй керак эмасми?» деб сўради. Мен уйимизда иситиш шаҳобчаси ва газ йўқлигини айтудим, у жуда ҳайрон бўлди. Ўша кезлари Рождественка кўчаси бўйлаб газ ўтказилган, аммо у биз яшайдиган муюлишни четлаб ўтган эди. Шу суҳбатдан сўнг хўжайинимнинг кўрсатмаси билан бизга (бутун муюлишга) газ ўтказиб беришди. Бу қулайлик учун мен пешонамадаги чандиқ билан ҳақ тўладим.

Кремль ошхонасига махсус оқватланиш учун хўжайиним номига берилган рухсатнома ҳануз менда сақланади. У албатта, бу ердаги нарсаларни эмасди ҳам. Уйдаги ертўла қизил ва сёмга баллиқларининг тузланган ва қоқланган орқа гўштлири, йил бўйи ивита ва янги узилган тарвузларга лиқ тўла эди... Кириб, қоқланган баллиқдан ёки дудланган чўчка гўштидан бир бўлак кесиб олсан-да... Бу ертўла учун мен озиқ-овқатларни «Кремлёвка»дан эмас, балки Дзержинский кўчасидан — фирқа ва давлат раҳбарлари оила аъзолари учун махсус омбордан олиб келардим. Юк машинасини тўлатиб, олиб келинарди. Ҳаммасин муҳрланган, махсус комиссия томонидан текширилган бўларди...

Василий Сталин қувноқ ва беташвиш одам эди. Унинг уйда доимо меҳмонлар чақирилиб, қабуллар уюштирилар, меҳмонлар орасида артистлар, футболчилар бўларди, билъярд ўйини авжига чиқарди...

Мен ушанда ҳайдовчи учун ажратилган жонада яшардим. Бир кун кино қўйиладиган ҳужрага кўтарилиб, у ердан киноаппарат орқали билъярдхонага қарадим. Василий ўзини турларидан — бирининг Бош маршали билан ўйнардим (маълум сабабга кўра, унинг исмини айтмаймиз —

тахририят). Бу кекса одам ўйинни бой берди, бошдан-оёқ ечинди ва билъярд столи тагига энгашиб кирди. Василий эса кий билан унинг «нозик» жойига... Кўнгил очарди-да. Бунга ҳамма чиқарди, ўзга илож ҳам йўқ эди.

— Унинг аёллари бўлганми?

— Бу масалада ҳеч қизиқиб кўрмаганман. Бунинг менга алоқаси йўқ, деб ҳисоблаганман. Ҳозир ҳам шундай ҳисоблайман. Аммо унинг хотинларини билардим.

Василийнинг оиласи «кулранг уй»да яшаганида, у Бурбонскаяга уйланган эди. Уларнинг икки фарзандлари — бир қиз, бир ўғли бор эди. Лекин Бурбонская, менинг билишимча, «оддий» табақадан эди. Ундайларни юқоридагилар ҳам қилишолмасди. «Даф этилсин!» — шу билан гап тамом. Улар ажралишдилар. Кўп ўтмай Василий маршал Тимошенконинг қизи — Екатерина Семеновнага уйланди. Улар ҳашаматли уйлари, хизматкор-чўрилари, емакхонаси, гаражи, итхонаси... бўлган дала ҳовлисига кўчиб ўтишди. Бу ерда нималар йўқ эди, дейсиз!

Кунлардан бир кун адъютант мени чақириб, хўжайиннинг хотини йўқлаётганини айтди. Ўзининг ҳайдовчиси нимаси биландир ёқмай қолганди. У бу пайтда бир йўла иккита олий ўқув юртида ўқирди. Профессорлар унинг олдида, дала ҳовлига келишар ва у имтиҳон, сивовларни шу ерда топширар эди... Бу аёл ўта қаттиққўл, ҳаттоки золим эди. Бурбонскаядан туғилган Василийнинг болаларини сира ёқтирмасди. Уларни ошпаз аёллар яширинча овқатлантиришар, мен ҳам ҳар замонда шаҳардан у-бу кўтариб келардим.

Адъютант менга тунда Ухтомская станциясига ГДЖдан юқори даражадаги қўмондонлик ва уларнинг оилалари учун совғалар ортган юк машинасини келишини айтди. Биз бориб, кутиб турдик. Ҳақиқатан ҳам қимматбаҳо буюмлар ортилган юк машинаси келди. Адъютант Василий учун баъзи нарсаларни олди-да (асосан ёзув столи учун), қолганларини Екатеринага, дала ҳовлисига элтишни буюрди. Менга бу ҳақда хўжайинга айтиб қўймаслик топширилди. Икки аскар буларнинг ҳаммасини дала ҳовлига туширишди. Булар бриллиант ва зумрад кўзли тилла тақинчоқлар, ўнлаб гиламлар, кўплаб аёллар ич кийими (нақ шоҳона дейсиз!), катта миқдорда эркаклар костюми, пальто, мушук ва қорақўл ёқали пўстинилар (тўртта — тилларанг, кулранг, жигарранг, қора қорақўл), ташлама мўйна ёқалар, чинни идишлар, қорабурул мўйнали ёқалар эди.

Екатерина мени чақириб, айёрлик билан «буларни нима қилсан экан-а», деб сўради. Киясизлар, деб жавоб қилдим. У эса кулади — буларнинг барини кийиб адо қилолмайсан, гиламларни тепкилаб улгурмайсан. Дарҳақиқат, уй шундоқ ҳам гиламлардан, олтинлардан ва билур идишлардан тўкилиб кетаман, дерди. Бека мендан буларнинг ҳаммасини сотиб беришни илтимос қилди. Лекин воситачи дўконлар паспорт талаб қилишарди, у эса ҳужжатини кўз-кўз қилишни истамасди. Меники қизил ас-

кар дафтарчаси эди. Бу ҳам — хатарли. Ва биз бу нарсаларни чайқов орқали сотишга қарор қилдик. Екатерина арзонга кетаётгани учун изтироб чекди, аммо ўзга чора йўқ эди. Мен чайқовчинини топиб, бу латта-путталарни унга бир ой ташидим. Пулларни эса Екатеринага келтирардим. Бир кун Столешников муюлишида «Ме-ха» воситачи дўкони ёнида ниманидир ўтказмоқчи бўлиб турганимда, мени ушлашди. Милицияга олиб боришди, бироқ у ерда бошлиқ Василийнинг машинасини таниб, кечирим сўраб, мени қўйиб юборди, ҳатто уйга кузатиб боришни таклиф қилди. Қўйинг-ки, ўн минглаб сўм йиғилди. Шунча пул нимага керак, деб Екатеринадан сўраганим, шундай жавоб қилди: «Сталин мангу эмас, пул эса ҳамиша пул бўлиб қолади». У фақат олтинларни пулламади.

Буларнинг бари даҳшатли қашшўқлик ҳукм суриб турган бир пайтда юз бермоқда эди. Мен уйга қайта туриб, қўшнилари қандай яшаётганини кўрардим.

1950 йилга келиб, бундай яшаш жонимга тегди. Бериячиларнинг таъқиб эзиб ташлади. Бир кун Василий отпуски олиб кетган, барча хизматкор-чўрилар Москва ташқарисига — Марфинодаги санаторийга дам олгани кетишган эди. Ўша ерда Костя номи билан биладиган бир органнинг ҳайдовчиси (улар ҳеч қачон ўзларини таништирмасди) мендан уларнинг олдида ҳеч қачон яқинлашмасликни маслаҳат берди. Буни у раҳбариятда керак, сиз савол туғилиши мумкинлиги билан изоҳлади. Ахир, улар кимсан-чекист эдилар. Мен-чи оддий армия старшинасиман. Ҳар ойда Лубянкада жойлашган давлат хавфсизлик қароргоҳида махсус бланкага нима қилганимни, кимлар билан учраганимни ва ҳоказолар тўғрисида ҳисобот ёзишларимни эсладим. Бир кун мен нимададир янглишган эканман, мени Бериянинг муовинларидан бири ҳузурига чақиртирди. Исм-шарифи эсимда йўқ. У менга мени кузатиб юрган ўз ходимларининг ҳисоботини кўрсатди. Менинг ёзганларим билан уларники ўртасида тафовут бор эди. Мендан шахсий қундалиқ тутишни талаб қилишди. Манинани бир дақиқа қолдириб кетолмасдим. Шу заҳоти унинг олдида милиция пости пайдо бўларди. Мен кўчадаги «айғоқчи»ларни танирдим. Улар доимо ёнимда эдилар. Охири, рапорт беришга мажбур бўлдим.

— Иосиф Виссарионович Сталинни ҳеч кўрганмисиз?

— Фақат бир марта, Василийнинг дала ҳовлисида, у ўттиз ёшга тўлган кунда кўрганман. Кўп меҳмонлар йиғилишганди. Каганович ҳам, Булганин ҳам, Микоян ҳам, Молотов ҳам шу ерда эдилар. Тўсатдан ҳамма — соқчилар ҳам, хизматкору чўрилар ҳам югуриб қолишди... Дарвозадан Сталин отанинг машинаси кириб келди. У ўғлини совуқина қутлади ва ҳаммалари уйга кириб кетишди. Ота ва ўғлининг ораси яхши эмас эди. Бизларни, албатта, уларга яқин йўлатишмади.

Бу воқеаларни ҳеч унутолмайман, шу боис ҳам гапир-ишга қарор қилдим. Эҳтимол, энгил тортаман.

ТАХРИРИЯТДАН: Суҳбатдошимизга сўзлаш имкониятини бериб, биз унинг хотирасига ва ҳалоллигига умид қилдик. Аммо шундай бўлса-да, аллақачон ўтиб кетган кунлар ҳақида гап борганда, қандайдир хато ёки ноаниқлик бўлиши мумкин. Агар муштарийларимиздан кимдир шундай (амалий характердаги) ноаниқликни пайқаган бўлса, бу ҳақда бизга ёзиб юборишга унда имконият бор.

«Аргументы и факты» ҳафталиғи, 1991 йил 14-сон. («Ёш ленинчи» вўзномасининг 1991 йил 23 апрель кўнги сонидан).

ДАНнинг бир куни

(СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ)



Аксарият пайтда милиция ходимлари ҳақида гап борганда, кўпроқ тилга йўл побонлари олинади, сабаби — оддий. Улар ҳаммаша одамлар кўз ўнгига бўлишади.

Пойтахт марказидан хиёл четроқдаги Глинка кўчасида жойлашган Тошкент шаҳар ИИБ ДАНнинг чоғроқина

ҳовлиси бир кеча-ю кундузда топшириқ олишга йирилган йўл-патруль хизмати ходимлари билан уч марта тўлади. Қимдир кундузги сменада бўлади, бошқасининг чекига кечкиси тушади, яна бири эса тунги Тошкент кўчаларига чиқади.

Сафда куннинг, ойнинг,

йил чорагининг муҳим ҳодисалари ҳақида ахборот берилади. Хонадон ўғирлигидан тортиб машина олиб қочишгача бўлган, одил жазодан қочиб юрган жиноятчининг алоҳида белгилари-ю, домдараксиз йўқолган шахсларнинг кўриниши ҳақидаги ўнлаб маълумотлар хизмат



дафтарига қайд этилади. Суратдаги сингари бош қотиришга, ўйчан нигоҳни аллақадарга қадашга эса асос бор. Чунки шу йилнинг биринчи чорагида 648 та йўл-транспорт ҳодисаси юз бериб, уларда 74 киши ҳаётдан барвақт кўз юмди, 679 киши турли даражада тан жароҳа-

ти олди. Уларнинг бир қисми умр бўйи мажруҳлик азоби-ни тортади.

Агарда Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ходимлари йўлдаги интизомбузарлар билан курашни кучайтирмаганларида, бу рақамлар даҳшати янада кучлироқ, бундан ҳам ваҳималироқ бўлиши мумкин

эди. Келинг, мана бу рақамлар мағзини чақайлик. Шояд ДАНБ қўл қовуштириб ўтирмаганини ҳис қилиш енгил кўча.

Тўкин дастурхон узра шароб тўла қадаҳларни сипқориб, кайфнинг ҳузурини рўда суриш ишқибозларидан 1242 нафарни ушланди. Йўл-



ий фақат ўзигагина қурилган деб ҳисоблаб, газ тепкисини юрак кўтарганча босаётган шахслардан 19.545 нафарига шаҳарда тезлик чегараланганини эслатиб қўйиш ҳожати туғилди. Йўл-транспорт ҳодисасидан сўнг ҳаёти қил устида турган жабрдийдани

тақдирга топширган ҳолда жуфтақчи ростлаб қолган 10 нафар қочоқ ҳайдовчи қидириб топилди, 33 киши машина олиб қочиш пайтида тугилди.

Бу — йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган

ишларнинг фақат бир қисми. Нотинч ва зарур хизмат-йўлларимиз осойишталигини таъминлаш эса вақт билмай давом этмоқда.

**Ғ. БОЛТАБОВ,
А. КОШКИН,
(суратлар муаллифи).**

«Поста» рўзномасининг бир неча сонларида участка вакилларининг иш фаолиятларини тубдан ўзгартириш юзасидан билдирилган қатор мулоҳазалар муҳокама қилинди.

Кўп йиллик таҳлил ва амалий тажриба шуни кўрсатадики, ҳар бир ходим нафақат ҳуқуқшунос, тарбиячи, балки ўзини ва ўзгаларнинг қадрига етадиган инсон ҳам бўлиши керак.

Инсон ҳуқуқини, қадрини поймол қилишга қаратилган ҳар бир ҳаракат тўхтатилиши, унинг вазиятлари оқилонга баҳоланиши, айбдорни қилмишига яраша жазого тортиш кабилар ходимларимиздан жиддий тайёргарликни талаб қилади.

Бу барча жиҳатлар ахлоқ-тузатиш муассасалари ходимларига ҳам тааллуқлидир. У ерларда тарбиявий ишларни такомиллаштириш ва олиб бориш асосан туркум (отряд) бошлиқларига юкланган. АТМга тушган кунидан бошлаб жиноятчини туркум бошлиғи маҳкам ушлайди. Чунки у маҳбусларни тарбиялаш билан бирга ип-игнадан тортиб, ҳамма кўзда тутилган буюмлар билан таъминлайди. Маданий-оқартув ишлари, бадан тарбия, маҳкумлар-

кетма-кет келиши фақат АТМлардагина эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча идоралар ходимларини шундай қилиб қўйди. Туркум бошлиғининг эса муассасада ҳар вақт ўрни билиниб туради.

Камчиликнинг яна бир томони шундаки, уларнинг кўпчилиги иш жойларидан 10-15 чақирим нарида турадилар. Қишлоқ шароитида бу масофани ҳар куни бир неча бор босиб ўтиш анча оғирлик қилади.

Ундан ташқари ёзув-чизув (таърифнома, тавсифнома, маълумотлар, мажлислар баёни, маҳкумга тўлдирилаётган ҳислатномалар, хизмат хатлари ва ҳ. ҳ.) ишларига ҳам анча вақт кетади.

Кўрсатилган ишларни бажариш, ҳар куни рўй бериб турадиган тартибузарликлар билан шуғулланиш, бир хил икки-чиқирларга муҳтож маҳкумлар билан суҳбат ўтказиш ва бошқа муаммоларни ҳал этиш ишлари кунига 12-14 соат вақтни талаб қилади. Туркум бошлиқлари ўйларига ёки ётоқхоналарига фақатгина тунни ўтказиш учун боради, десак хато бўлмайди. Кучайтирилган тартиб ёки мудҳишроқ ҳодиса рўй

АТМда АХВОЛЛАР ҚАНДАЙ?

ни янгиликлардан хабардор этиш каби вазифалар уларнинг зиммасида. Ундан ташқари ўз қарамоғидаги маҳкумларнинг меҳнат фаолиятини муҳофаза қилиш ва ташкил этиш учун корхоналар иш жараёнини кам деганда усталар даражасида билиши керак. Бу оғир ва масъул вазифаларни кимлар бажармоқда?

Қашқадарё вилояти, Навоий шаҳри, Поп ва Бўка туманлари ҳудудидан жойлашган муассасаларда ишловчи 80 га яқин хизматчиларнинг таркиби таҳлил қилинганда ушбулар маълум бўлди.

Зобитларнинг (офицер) 85 фоизи ўзбек, қолганлари қозоқ, татар, тожик, қирғиз ва айрим кавказ миллатига мансублар. Уларнинг ичида рус тилида гаплашувчи миллатлар вакилларининг йўқлиги ачинарли, чунки бу минтақаларда жазо муддатини ўтаётганларнинг 30-40 фоизи маҳаллий тилни тушунмайдилар, рус тилида мулоқотлашадилар. Ўз навбатида туркум бошлиқлари рус тилида тадбирлар ўтказишда анча қийинчиликларга дучор бўлмоқдалар.

70 фоиз зобит аскарлик бурчини адо этиб келган кечаги деҳқон ёки ишчи. Улар ССЖИ ИИВнинг Чимкент шаҳридаги ўрта махсус мактабининг тугатиб, шу вазифага тайинланганлар. Уларга рус тилида баён ёздирилганда, бирортаси ҳам юқори баҳо ололмайдилар. Ваҳоланки, иш юритиш рус тилида олиб боришмоқда. Ўзбек тилида иш юритиш мутахассислари муассасаларда йўқ десак адашмаймиз (айрим ўз устида ишлаётган ходимлардан ташқари).

90% туркум бошлиқлари турар-жойга ёки уни кенгайтиришга муҳтож. Улар бештагача фарзандлари билан 12 дан 30 квадрат метргача ҳажмга эга бир ёки икки хонали уйларда истиқомат қилмоқдалар.

Маданий ҳаёт борасидаги саволларга кўплари ер чизиб жавоб берадилар. Кино, театр ёки циркка оила аъзолари билан қачон борганликларини эслай олмайдилар. Яхшиямки ойнажаҳон ва радио бор экан. Унинг қатор сабабларини келтириш мумкин. Охириги йилларда кучайтирилган иш кунларининг

берган кунлари эса муассасанинг ҳудудидан ташқарига чиқиш йўқ.

Биз АТМ ходимларининг биргина тоифаси асосий вазифалари ҳақида қисқатгина маълумот бердик. Ахлоқ-тузатиш ишлари бошқармасининг соҳасида эса ўттиздан ошиқ хизмат йўналишлари мавжуд. Уларда бурчини ўтаётган ходимлар бошида ҳам худди шундай ғавғолар бор. АТМларда ҳар дақиқа ўзини ҳали тийиб ўргана олмаган маҳкумлар оғзидан қулоқни «динг» қилувчи ва ёзсанг қаламинг хафа бўлувчи сўзлар чиқиши тугамаётганлиги тўғрисида муаммоларни ғавғо дейишга журъат этдим.

Ҳа, АТМларда ишлаш осон эмас. Аммо юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал этиш борасида ҳукуматимиз қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Шу йилнинг ўзидagina минтақа мушуқлари Президентимиз Кенгаши аъзолари томонидан кўриб чиқилди. 23 январь куни эса улар Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Кўмитасининг Бюросида кенг муҳокама қилиниб, амалий тадбирлар белгиланди. Бу эса бизга катта умид бағишлади.

Катта умидларимиздан яна бири шуки, юрагида ўти бор, қўли ва виждони пок хизматчиларимиз сони етарли. Улар бўйинларига тушган ҳуржун оғирлигини чидам ва ўзига хос матонат билан бартараф этиптилар. Бу борада, айниқса, ўз ишининг «руҳий олимлари» бўлмиш В. Полонская, О. Сандов, Х. Маҳмудов, Т. Харисов, С. Орлов, А. Петросян ва Б. Эрмухамедовлар бошчилик қилаётган муассаса хизматчилари ўрнатилган кўрсатилган, дейилса муболага бўлмас.

Бу савобли иш жараёнидан ахлоқ-тузатиш ишлари соҳасининг отахонлари, нафақадор Г. Матюшин, В. Аванасов, М. Мирпўлатов, К. Беляков ва бошқа устозлар ҳам четда қолмаётганлари йўқ.

Азиз муштарийлар, АТМ фаолиятида қайд этилган асосий камчиликларни бартараф қилишга Сиз ҳам ҳисса қўшсангиз, кўрагимизга тезроқ шавол теғармиди?

**С. АКРАМОВ,
ЎзССЖ ИИВ АТИБ тарбиялов ишлари бўлими бошлиғининг ўринбосари.**

...Қора курск. Унда ўтирган Алишернинг ҳам, Низомиддиннинг ҳам хайлидан бир нарсаси—падарни бузуқворлари қилган насихатлар ўтади: «...Углим, катта шаҳарга кетясан. Узингизни эҳтиёт қилгин. Фақат ўқингинки ўйла. Яхши-ёмонни фарқлай бил. Емонлардан ўзингни йироқ тут...».

«...Суд ҳукми чиқаради:

Тўраев Алишер Раззоқович, 1969 йил Самарқанд вилоятида туғилган... УзССР ЖМининг 114-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилди, 8 йилга озодликдан маҳрум қилинсин.

Мўминов Низомиддин Екубович, 1969 йил Самарқанд вилоятида туғилган... Умрилик ва товламачликда айбдор деб топилди, 6 йилга озодликдан маҳрум қилинсин...»

Бу икки ёш йигитнинг айна уйнаб-қуладиган даврлари симдевор билан ўралган маконда ўтадиган бўлди. Нима учун? Келинг, яхшиси ҳаммасини бир бошдан баён қилайлик.

Кўҳна Самарқанддан Тошкентга илм олиш ниятида келган Алишер ва Низомиддин қалин дўст эдилар. Яхшилик хусусида ҳам, ёмонлик борасида ҳам уларнинг фикри бир жойдан чиқарди...

— Билиб қўй, Низом, ҳаммаси келишганимиздек бўлади.

— Бўпти. Юр, яна бир марта кириб, керакли жойларни кўздан кечирамиз.

Улар Қиров туманида жойлашган «Нурчилар» маданият саройи қошидаги «Видеобар» томон йўл олишди.

...Фильм тугади. Икковлон панароқ жойга биқиниб, «Видеобар» хизматчиларининг кетишини кута бошладилар. Омадни қарангки, ўша кеч бинонинг қўриқловчи қўнғироқлари ишламай қолди. «Видеобар» ходими Мирзаев эшикка қўшимча қулфлар осиб, уйига жўнади.

Ярим кеча. Атроф жимжит. Икки қора шарпа шивирлашиб, салон эшигига яқинлашди. Дақиқа ичида туйнук очилди...

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай оғайнилари «Рекорд» телевизорини кўтарганларича танишлари — ётоқхонада турувчи Ҳасан ва Зиёдуллаларнинг хонаси эшиги олдида туришарди.

— Ие, ие. Алишер келинлар, нима у, телевизорми? Роса мазза қиладиган бўлибмиз-ку, а?

Аmmo «мазза» қилиша олмади. Телевизор фақат видеокурсатувлари учун мўлжалланган экан. Лекин Алишернинг фикри ўзгармади:

Агар кўнглингизга олмасангиз, сиздан яна бир илтимосим бор эди...—деб гап бошлаб қолди.

— Гапир, гапиравер, нега жим қолдинг?

— Узингиз биласиз, мен Тошкентга ўқиш учун келганман. Бир домла топиб берсангиз. Институтнинг ишриш имтиҳонларига тайёрласа.

— Яхши. Мени бир тани-

ни очини биланоқ ичкарига кирган йигитнинг қўладаги пичоқни кўриб, бир зум тош қотди. Шошиб орқасига қаради. Не кўз билан кўрсинки, «севимли» ўқувчиси ҳам совуқ иршайиб турарди. Эси оғиб қолгандек бўлди, гўё...

— Домлажон, иргашламай биз билан юрасиз энди. Анс ҳолда...

Алишернинг бу гапидан домланинг кўз олди қорон-

— Ҳозиргина эслатдим, бу ерда зог ҳам йўқ, деб, — Алишер ўта хотиржамлики билан гапирарди, — бунчалик қаттиқ бақирининг ҳожати йўқ. Кейин, домлажон, аввало ўзингизни босиб олинг. Биз... зор эмасмиз. Фақат анувақа иш қилинаётгандаги овозингиз керак. Шунинг учун қаринлиқ кўрсатиш бефойда. Бўлди, кўп тижирлик қилмай бошланг.

Домланинг юзи дам оқарар, дам қизарар, бўлиб ўтаётган воқеаларни ҳеч ўзига сингдира олмади. Товламачилар ниятларига етишди.

— Мана кўрдингизми, домла, сиз ҳам куймади, кабоб ҳам. Ана энди мақсадга ўтамиз. Бу кассетани қанча туршини биласизми? Юз минг сўм. Шарманда бўлмай десангиз, тезроқ ҳаракатингизни қилинг. Беш қундан кейин кечки соат олтиларда биз сизни худди шу ерда кўтиб оламиз. Яна бошқача халларга бориб юрман-а, домла? Хайр, яхши етволдинг.

Домла келишилган кунгача ўзини қўярга жой тополмай юрди. У икки ўт орасида қолган эди. Товламачиларнинг шартига кўнса, юз мингни қаердан олишни билмайди, милицияга хабар берай деса, кассета... Ўйлаб-ўйлаб милицияга боришга қарор қилди. Товламачилар билан шартлашилган кунни эрталаб йўлга тушди. Бўлган воқеани сўзлаб берди.

— Келиб тўғри қилибсиз, домла. Ҳеч нарсадан хавотирланманг, — деб таскин беришди унга. — Сиз айтилган жойга бориб, уларга мана бу ўн саккиз минг 225 сўмни беринг. У ёғи бизнинг ходимларимизга ҳавола.

— Қўлга олишга ишонасизларми? — хавотирлик билан сўради домла.

— Хотиржам бўлинг. Ҳаммаси жойида бўлади.

Домла келишилган жойга етар-етмас ўзига пешвоз чиққан икки оғайинни кўрди. Улар узатишган пулни қувонгачларича чўнтакларига сола бошладилар. Шу пайт қаердандир пайдо бўлган жиноят кидирув ходимлари товламачиларнинг қўлларига кишан солишга улгуришди.

...Ешлик хазон бўлди. Эс-сиз умр...

**И. РАХИМОВ,
А. ШАРАФУТДИНОВ,
милиция майорлари.**



«Бу ишда омадим келмаган бўлса, бошқа йўللари камми менга? Энг муҳими — қаловини топиб, қорни ёндиришим керак».

Орадан бир неча кун ўтди. Ўғирланган телевизор эсига тушиб, ўртоқлариникига йўл олди. У ерда Мирзаалиев деган киши билан танишди. Анчагина суҳбатлашгач, Алишер ундан сўради.

— Ака, бекорчилик жонга тегди. Менга бирор иш топиб беролмайсизми?

— Иш... Гап бундай, укам, «Прогресс» заводини биласан-а? Ача шу заводга бобон бўлиб бормайсизми?

— Иш бўлса бўлди, ака, боя айтдимку ишсизлик...

Ишхонадан унга вагон-уй ажратиб беришди. Мирзаалиев унинг ҳолидан доим хабардор бўлиб, кам-кўстига қарашиб турди. Кўнгли эриб кетганидан «Романтика» магнитофонини ҳам бериб қўйди.

Бир кун Алишер:

— Ака, сиз менга отам қилмаган яхшиликларни қилясиз, буни унутмайман.

шим бор. Ўша кишига илтимос қилиб кўраман. Розилик билдирса, ишинг беш.

Розилигини олишди. Биринчи машғулотаёқ Алишер домлага ёқиб қолди, тўғрироғи, у домланинг ишончини қозона олди. Бу ёғи фақат ўзига боғлиқ. «Домланинг пули кўп. Кимсан, фалон илмоғининг обрўли ўқитувчиси бўлади-ю, пул унда бўлмай, менда бўлсинми?» Алишер пайт пойларди.

Бир кун навбатдаги машғулота келса, домла уйда ёлғиз ўтирган экан. «Айни пайти. Яхшиям Низом билан бирга келганим». Хаёлида шу фикр билан домласига қўй оғзидан чўп олмаган боладек салом берди.

— Домлажон, бераётган таълимингиз мен учун катта сабоқ бўлаяпти. Сизнинг олдингизда қарздорман. Бугун бир ўртоғини ҳам олиб келдим. Рухсат берсангиз...

— Ўртоғингиз қаян?

— Эшикда...

— Ие, нега дарров чақирмадингиз? Ўқувчисининг «ширян» сўзларидан ийиб кетган домла йўлак томон юрди. Эшик-

гулашди. Бўтун вужудини титроқ босди. Ихтиёрсиз йигитларга аргашди.

Автобуга ўтиришди. Бироз юришгач, Гвардиячи бекатида тушдилар.

— Йигитлар... нима, мени ўлдирасизларми? — қўрқалиса сўради рангги девордек домла.

— Кўп гапиравермай биз бошлаган томонга юраверинг, — деган совуқ жавоб бўлди.

Бўзсув лабидаги насос станциясига кирдилар. — Ҳурматли домла, Ҳозир биз буюрган ишларини сўзсиз бажарасиз, йўқса ўзингиздан кўринг. — Алишер пичоқни унинг бўғзига тиради. — Кўриб турибсиз, бу ерда сизу биздан бошқа ҳеч ким йўқ. Қани, Низом, тайёрла.

Низомиддин дарҳол магнитофонни «иш»га шай қилди.

— Энди, домла, бир иш қиламиз. — Алишер унинг кўзига синчковлик билан қаради. — Сиз ҳозир... бесоқол-бозлик қиласиз...

— Нима? Домланинг кўзи косасидан чиқиб кетай деди.



Хизмат итлари милиция ходимларига хавфли жиноятчиларни қўлга олишда, оғир жиноятлар юз берган жойдан ҳид олиб, уни содир этганларнинг қанини топишда бебаҳо кўмакчи ҳисобланишади.

Тошкент шаҳар ИИБ милиционер-кинологи милиция старшинаси Вячеслав Николаев беш йилдан буён турт оёқли дўстлари билан хизмат бурчини жуваффақиятли ўтаб келмоқда.

Суратда: В. Николаев «Граф» лақабли ити билан машғулотада.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

НИКОХ ХИЗМАТИ

ЛИМА. (ТАСС мухбири Игорь Федоров). Чамаси перулик Ракель Торрес Гутьеррес, «эришган на-тижа»ни «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритса арзийди. У ўзи ўтган қонуний никоҳдан миқдорига кўра ўз ҳамюртлариникига эмас, шу билан бирга эҳтимол, бошқа мамлакатлар аҳолисини ҳам

орқада қолдириб кетди. «Република» рўзномасининг ёзишча, лималик 43 ёшли бу аёл кўп эмас, кам эмас—200 мартадан кўпроқ никоҳдан ўтган. Бироқ Ракель навбатдаги кўёвбола билан никоҳдан ўтаётганда унинг юрагини муҳаббат оташи қуйдирмас эди: унинг учун бу шунчалик мўмай пул то-

пиш усули эди. Удабурун бу аёл жуда қисқа муддат ичида Перу фуқаролигини олишни ёки уларни солиқ тўлашдан озод этувчи шу ерда яшаш рухсатномасини расмийлаштиришни истовчи ажибийлар билан сохта никоҳдан ўтишни тўғридан-тўғри саноат асосига қўйиб олган. Маълум бўлишча ҳуқу-

қий тўсиқларни четлаб ўтиш ва мақсадга мумкин қадар тезроқ эришиш учун ажибийлар бор-йўғи қонуний равишда маҳаллий аёлга уйланишлари кифоя экан.

Ана шу асосда сеньора Торрес Гутьерреснинг «хизмат»и вужудга келди. Бу аёл «Република» рўзномасининг фикрича, қонулар коммукаммаллигидан фойдаланиб бойлик орттираётган маҳаллий мафиянинг кўзга ташланган ишларидан бири, холос.

ТУРФА ОЛАМ

ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАРДЕК СУД ҚИЛИНСИН

Америка сенати Ироқ ҳарбий жиноятчилари устидан халқаро трибунал тузишга даъват этган қонун лойиҳасини маъқуллади. Унда уқтирилишча, АҚШ бу таклифни БМТ Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига киритиши, агарда таклиф қабулланмаса, аксилроқ коалицияси бўйича иттифоқчилари билан шундай трибунал ташкил этиш юзасидан ҳамкорлик қилиши керак.

ТУРМАДАН ҚОЧИШДИ

«Медельин картели» номи билан ёмон томондан довраги чиққан ташкилотнинг ҳарбий пиллапоясигаги тўрттин-

чи погонани эгаллаб турган шахс, Колумбия наркомафиясининг асосий жангариларидан бири Дени Муньос ўтган пайшанба кунни пойтахтдаги турмадан қочди. Маълумки, бу ташкилот кўплаб қонли жиноятларни уюштириш ва амалга ошириш билан «шуҳрат» қозонганди.

Маҳаллий маъмурларнинг хабар беришича, Муньос ва унинг маҳбуслардан бўлган шериги пухта қўриқланадиган турманнинг бош эшигидан чиқиб кетишган. Турма маъмурияти эса улар қандай қилиб қуроли соқчилар галасидан ўтишганини ва бир неча темир эшикларни очишганини сира ҳам изоҳлай олмапти.

«ИЗВЕСТИЯ» ДАН.

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатки кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ») —
Орган коллегии МВД
ЎзССР